



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 27 июль, № 154 (7112)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСТИҚБОЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 июль куни хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, сармояларни ўзлаштиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, жорий йил инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари дастурлари доирасида барча манбалар ҳисобидан 2 минг 612 лойиҳа амалга оширилиб, 6 миллиард 850 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштириш белгиланган. Шундан 4,9 миллиард доллар хорижий инвестициялар бўлиб, унинг 2,3 миллиард доллари халқаро молия институтлари кредитлари ва 2,6 миллиард доллари тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этади.

Йиғилишда ушбу маблағларни ўзлаштириш ва лойиҳаларни амалга ошириш ҳолати сустиги танқид қилинди. Масалан, жорий йилда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар иштирокидаги 82 лойиҳа доирасида 2 миллиард 283 миллион доллар ўзлаштириш белгиланган. Лекин биринчи ярим йилликда бу маблағнинг атиги 26 фоизи ўзлаштирилган, холос.

Бунинг асосий сабабларидан бири маблағларнинг 70 фоизгача бўлган қисmini ўзлаштиришни йил охирига белгилаш амалиётидир. Хорижий инвесторлар бундай ҳолатлар бўйича асосли эътирозлар билдирмоқда. Пухта ишланган ва ҳужжатлари тайёр лойиҳалар учун эмас, балки "олдин маблағ олайлик, кейин бир гап бўлар" қабилида иш тутиш ҳам шундай салбий ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш керакки, маблағларни ўзлаштириш қанчалик суст бўлса, келажақдаги лойиҳалар ижроси учун инвестиция жалб қилиш ҳам шунчалик мушкул бўлади.

Шуни инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари раҳбарлари инвестицияларни ўзлаштириш ҳолатини чуқур ўрганиб, муаммоларни, жумладан, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тендер ўтказиш, лойиҳа ва шартномаларни экспертиза қилишдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш чораларини қўриши керак. Шавкат Мирзиёев Бош вазир ва унинг ўринбосарлигига халқаро ва хорижий молия ташкилотлари маблағларининг асосий қисmini август — октябр ойларида ўзлаштириш ва йил якунида прогноз кўрсаткичларини тўлиқ баҳариш бўйича янги тармок жадвалларини тасдиқлаш вазифасини топширди.

Инвестиция лойиҳалари ижроси билан боғлиқ жараёнлар мураккаблаштириб юборилгани, ортиқча бюрократик тўсиқлар пайдо бўлиб, масъул идоралар фаолияти лозим даражада тартибга солинмагани каби муаммоларни бартараф этиш, инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш ва маблағларни ўз

вақтида ўзлаштиришни таъминлаш зарур. Шу мақсадда яқинда халқаро ва хорижий молия ташкилотлари маблағларини жалб этиш ва назоратини юритиш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича Президент қарори қабул қилинди. Эндиликда халқаро ва хорижий молия ташкилотлари маблағлари иштирокидаги лойиҳалар мутлақо янги тизим асосида амалга оширилади. Яъни халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш тартиби белгиланди, экспертиза учун 60 эмас, 14 кун талаб этилади, тендер ҳужжатлари ва тендер асосида тузилган шартномалар эса умуман экспертизадан ўтмайди, қворум ва талабгорлар сони бўйича талаблар бекор қилинди.

Давлатимиз раҳбари халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини сифатли амалга ошириш учун "Лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари" фаолиятини самарали ташкил қилиш муҳим эканини таъкидлади. Гуруҳлар фаолияти самарали ташкил этилмаган, айрим вазирлик ва идоралар тизимида бир неча лойиҳа гуруҳлари мавжуд. Бу гуруҳлар донор ташкилотлар билан ҳамкорликда ишламайди, аксарият ходимларнинг малакаси паст. Оқибатда кўпала инвестиция лойиҳалари 5-6 йиллаб ишга туширилмасдан, муаммоли масалага айланиб қолмоқда.

Шу боис жорий йил 21 июнь куни қабул қилинган Президент қарорига биноан халқаро ва хорижий молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ваколати тўлиқ Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси зиммасига юкланди. Йиғилишда қўмита раҳбарига "Лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари" таркибини қайта қўриб чиқиш, уларни лойиҳалар қесимида эмас, тармоқлар йўналишида ихтисослаштириш асосида қайтадан ташкил қилиш, махсус ўқув курслари ташкил этган ҳолда раҳбар ва мутахассислар малакасини ошириш, халқаро ва хорижий молия ташкилотлари иштирокидаги барча лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари, тендер ҳужжатлари, импорт шартномаларини янги тартиб бўйича жадал экспертиза қилиш ёки рўйхатда олиш топширилди.

Йиғилишда тармок ва ҳудудлардаги лойиҳалар мониторинги уларнинг ижроси қониқарсиз эканини кўрсатиши таъкидланди. Шу сабабли ўтган ҳафта инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича Президент қарори қабул қилиниб, унда 2018-2019 йилларда умумий қиймати 30 миллиард долларлик, жумладан, 26 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги 580 лойиҳани амалга ошириш белгиланди. Бу лойиҳаларнинг 148 таси ҳўжалик бирлашмалари ва 432 таси ҳудудий қорхоналар томонидан амалга оширилади.

Шундан жорий йилда 456 та лойиҳа доирасида 2,6 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестицияларни ўзлаштириш талаб этилади.

Шу муносабат билан Бош вазир ўринбосарлигига 2018-2019 йилларда ҳўжалик бирлашмалари 3,9 миллиард долларлик ва ҳудудий қорхоналар 3 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестицияларни тўлиқ ўзлаштиришни назарда тутган ҳолда, мазкур лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш бўйича тармок жадвалларини ишлаб чиқиш топширилди. Айни пайтда ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари 69 тармок ва 189 ҳудудий истиқболли инвестиция лойиҳасини бўйича инвесторлар топиш, техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва лойиҳа ихросини жадаллаштиришга қаратилган "Йўл хариталари"ни ишлаб чиқиши керак. Вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга эътиборни кучайтириши зарур.

Йиғилишда инвестиция лойиҳалари бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнларини тезлаштириш мақсадида Президент қарори билан қатор қулайлик ва енгилликлар яратилгани таъкидланди. Жумладан, дастлабки техник-иқтисодий асослар ёки ҳисоб-китобларни мажбурий ишлаб чиқиш бўйича талаблар, шунингдек, қўрилишларнинг манзилли рўйхатини Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишиш бекор қилинди. Халқаро ва хорижий молия ташкилотлари иштирок этаётган, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши 70 фоиздан юқори бўлган, махсулотни тақсимлаш битимларига мувофиқ амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам мазкур агентлик экспертизасидан ўтказилмайдик. Тендер савдолари якунида тузилган импорт шартномалари Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида фақат тендер ҳужжатларига ва миллий қонунчиликка мослиги, матннинг тўғри тизмадан ўтказилмади. Шунингдек, мазкур қарорга биноан умумий қиймати 27 миллиард доллар бўлган 37 йирик муҳим инвестиция лойиҳаси бўйича қўрилиш-монтаж ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширишга, бир босқичли лойиҳалаштириш ва молиялаштиришни тезлаштиришга рухсат берилди. Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ана шу 37 лойиҳанинг ҳар бири бўйича махсус ишчи гуруҳи тузиб, баҳарилаётган ишларни жадаллаштириш, объектларни сифатли ва муддатида қуриш, харид нархлари асосида ошириб юборилмаслигини таъминлаш, пудратчи ва етказиб бериувчиларни аниқлаш бўйича зарур чоралар қўриши лозим.

Йиғилишда йилнинг ярмидан кўпи ўтган бўлса-да, ханузгача барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2019 йилда амалга оширилаётган лойиҳалар рўйхати тайёр эмаслиги танқид қилинди. Ваҳолонки, жорий йил 1 апрелгача — тармоқлар ва ҳудудларни узоқ муддатга мўлжалланган ривожлантириш концепциялари, 15 июлгача — Лойиҳалар портфели, 10 октябргача — Давлат ривожланиш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган, ҳозирги кунда эса келаси йил объектларининг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ишлари бошланган бўлиши керак эди.

Бу ҳолатни ўнглаш учун Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тегишли вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар билан бирга барча манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича тақлифлар асосида Инвестиция дастури лойиҳасини шакллантириши зарур.

Маълумки, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг хизмат сафарини билан хорижга чиқиб, ўз ҳудудига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш юзасидан чет эллик ҳамкорлар билан музокара ўтказиши учун кенг шароит яратилди. Таъкидлаш керакки, бундай амалиёт илгари бўлмаган. Ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, ҳудудий қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари хоҳлаган давлатига бориб, ҳамкорлар билан бемалол мулоқотта қиршияпти. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида ҳокимликларнинг 33 делегацияси хорижий хизмат сафарига борди. Натижада умумий қиймати 5 миллиард 290 миллион доллар бўлган 195 лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Ҳозирги кунда 1 миллиард 500 миллион долларлик 75 лойиҳанинг ижроси бошланган.

Лекин ҳокимлик вакилларининг хизмат сафарлари, асосан, Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Корея ва айрим МДҲ мамлакатлари билан қекланиб қолмоқда. АҚШ, Япония ва Европа давлатларидаги дипломатик ваколатхоналаримиз раҳбарлари юртимиздаги ўзларига бириктирилган ҳудудларга инвестиция жалб қилишда фаоллик кўрсатмаяпти.

Ўз навбатида, ҳокимликлар элчи-хоналар билан ҳамкорлиқни йўлга қўймаган. Бу эса хорижий хизмат сафарларида эришилган келишувларнинг кўпчилиги фақат қорғозда қолиб кетишига сабаб бўляпти. Масалан, Фарғона вилояти ҳокимлиги делегацияси 1 — 4 февраль кунлари Латвияга хизмат сафари давомидида 6 та меморандум имзолаган, лекин бугунгача уларнинг бирортаси бўйича аниқ натижага эришилмаган.

Яна бир эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳат шуки, ҳокимликлар эришган келишувлар, асосан хом ашёни бирламчи қайта ишлаш, тўқимачилик ва қўрилиш материаллари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилган. Юқори технологияли ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш билан боғ-

лиқ лойиҳалар деярли мавжуд эмас.

Бу борадаги ишларни танқидий ўрганган Ишчи гуруҳ ҳокимликлар делегацияларини чет элга юбориш олдида тайёргарлик ишлари талаб даражасида ташкил этилмаётгани, аксарият ҳолатларда делегация аъзоларининг аниқ иш режаси мавжуд эмаслиги, тегишли вилоятнинг иқтисодий салоҳияти ва амалга ошириш мумкин бўлган лойиҳалар тўғрисида зарур ва етарли маълумот берадиган материаллар, ролик ва буклетлар тайёрланмаганини аниқлади. Ўрганиш ўтказилган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари делегациялари таркибига киритилган 40 тadbirkордан атиги 12 таси аниқ келишувга эришган холос.

Хизмат сафари давомидида шартномаларнинг куруқ сони оқрасидан қувиш ҳолатлари кузатилаётгани ҳам танқид қилинди. Имзоланган меморандум, келишув битимлари, инвестиция ва экспорт шартномалари аниқ натижадорликка қаратилмасдан, мавҳум — маданий-гуманитар характерга эга бўлиб қолмоқда.

Айрим раҳбарларнинг ишга масъулиятсиз ёндашиши туфайли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан "Йўл хариталари" ва тармок жадваллари ишлаб чиқилмаган, ижро бўйича қатъий мониторинг тизими йўқ. Лойиҳалар фақат ташаббускорлар — хусусий тadbirkорларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида қийинчилик билан, маҳаллий ҳокимликларнинг зарур ёрдамисиз амалга оширилмоқда.

Ишчи гуруҳ барча ҳудудда мазкур масалаларни ўрганиб чиқиш бўйича режа-график тайёрлаб, шу асосда жойлардаги вазиятни қўриб чиқиши, мавжуд муаммолар ва уларнинг сабабларини аниқлаши, таҳлил қилиши, бартараф этиш чораларини қўриши ва ишларни фаоллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиши керак. Бундан ташқари, бириктирилган дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари билан биргаликда ҳудудларга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун қўшимча лойиҳаларни шакллантириш, экспортни қўлайитириш, инвестиция лойиҳалари бўйича тармок жадвалларини тасдиқлаш ва жадал амалга ошириш, янги қувватларни ўз вақтида ишга тушириш юзасидан зарур чоралар белгиллаши лозим.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи ишлар вазирлигига ҳокимликлар делегацияларининг хорижий хизмат сафарларида эришилган келишувлар ижроси юзасидан таъсирчан назорат ва мувофиқлаштириш тизимини жорий этиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчилари ва ҳокимларнинг ҳисоботлари тингланди. Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ва лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА.

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Таваллуд топган куним муносабати билан чин дилдан қўтлаб, ўзларининг самимий табриклари ва эзгу тилакларини йўллаган давлат ва ҳукумат бошлиқларига, хорижий сиёсат ва jamoat арбоблари, ишбилармон доиралар вакилларига, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, юртимиздаги маҳаллалар ва меҳнат jamoаларига, барча ватандошларимга қўқур миннатдорлик изҳор этаман.

Менинг шаънимга билдирилган бу табрик ва тилакларни, аввало, Ўзбекистон халқи ва давлатига юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси, мамлакатимизнинг дунё миқёсида ортиб бораётган обрў-эътибори ва нуфузининг яна бир юксак эътирофи сифатида қабул қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, меҳнаткаш, мард ва олижаноб халқимизга яна бир бор чин юракдан ўзимнинг чексиз меҳрим ва ҳурматини билдираман.

Жонажон Ўзбекистонимиз равнақи ва кўп миллатли халқимиз фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қилиш учун бундан буён ҳам бор билим ва салоҳиятим, куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 26 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда) **565-моддасига** қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

иккинчи қисм «нотариал тасдиқланган бўлиши керак» деган сўзлардан кейин «бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Енгил автомобиллар ва мототранспорт воситаларини ижарага бериш бўйича хизмат кўрсатадиган юридик шахслар жисмоний шахслар билан енгил автомобиллар ва мототранспорт воситаларини ўттиз кунгача бўлган муддатга ижарага бериш шартномаларини оддий ёзма шаклда тузишлари мумкин».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «**Инвестиция фаолияти тўғрисида**»ги 719-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-380-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2014 йил, № 12, 342-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **6-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Инвестиция лойиҳаси иқтисодий, ижтимоий наф ва бошқа йўсиндаги наф олиш учун инвестицияларни амалга оширишга ёхуд жалб этишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган тadbirkорлар комплекси ёки алоҳида тadbirkор»;»

(Давоми 2-бетда).



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор бир қатор долзарб қонун лойиҳалари қўриб чиқилган эди. Кун тартибига киритилган масалалардан бири **“Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳаси, айниқса, қўй палатадаги барча сиёсий партия фракциялари ўртасида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Фракциялар нега баҳсга киришиб кетди?

Олий суд томонидан киритилган мазкур қонун лойиҳасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилма объектларида тўсқинликсиз фойдалана олишини таъминлаш бўйича талабларини бажаришдан бўйин товлаганлик, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш тақлиф этилмоқда. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларга юқоридаги каби қулайликларни яратиш бўйича талабларни бажармаслик — ман-

сабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан (амалда ўн баравар) йигирма бараваригача (амалда ўн беш бараваригача) миқдорда, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан (амалда ўн беш баравар) қирқ бараваригача (ўттиз баравар) миқдорда жарима солишга сабаб бўлишини кўзда тутди.



Шоҳимардон сайёҳларни чорламоқда

Туризм

Гўзал ва тароватли табиат ошёни — Шоҳимардонга қўшни давлат ҳудуди орқали борилади. Яқин-яқингача бу сўлим манзилга саёҳат қилиш айрим қийинчиликлари боис кишини толиқтириб қўяди.

Энди вазият бутунлай бошқача. Икки давлат раҳбарлари иштирокидаги музокаралар, истиқболли келишувлар туфайли бу чегаралардаги тўсиқлар олиб ташланди. Ўзаро бординг-келди муносабатларида илиқлик даври бошланди.

Фарғона туманининг энг олис ҳудуди — Шоҳимардон ва Ердон қишлоқларига географик жойлашувига қўра, “кичик орол” дея таъриф бериш мумкин. Бу жойлар ўзининг ҳушманзара табияти, мўътадил иклими, азим тоғлари, зилол сойлари, шириндан-шакар мева-сабзавотлари ҳамда тарихий-меъморий обидалари билан азалдан маълуму машҳур.



Таъкидлаш ўринлики, илгари Шоҳимардонда дам олишга отланганлар бир неча ой аввал сафар тadbirkорлигини қўришарди. “Ўзбекистон Швейцарияси” дея ном олган бу ҳудудда маҳаллий сайёҳлар қўлигидан, кези келганда, хордик чиқариш учун бир парча жой топиш муаммо эди. Бироқ чегарадаги муаммолар са-

баб, бу ердаги қўллаб хизмат кўрсатиш масканлари ҳувиллаб қолганди. Қўшни мамлакатлар билан бординг-келди муносабатлари тартибга солиниб аяшланган, Шоҳимардонга ана шу фaйз яна қайтди.

Узоқ йиллик “муз”лар эригач, икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш, мазкур ҳудудлар

аҳолисига янада қўлай шарт-шароитларни таъминлаш борасида муҳим ва дадил қадамлар ташланди. Жумладан, Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳи Шоҳимардон ва Ердон қишлоқлари аҳолиси билан самимий мулоқотлар ўтказди.



Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

 (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

2) **15-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисида**ги «Инвестиция дастурига» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **18-модданинг иккинчи қисмида**ги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **20-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«20-модда. Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари — бу узоқ муддатли истиқбол учун тасдиқланадиган, тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепциялари асосида шакллантирилган ҳамда мамлакат иқтисодиётини барқарор ва изчил ривожлантиришга эришишга, мавжуд табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий, меҳнат ресурсларидан ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш йўли билан мамлакат иқтисодиётининг айрим тармоқлари ҳамда минтақаларини тузилмавий жиҳатдан ўзгартириш бўйича асосий устуворликлар ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ўзаро узвий боғлиқ бўлган чоралар мажмуидир.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари тасдиқланган ривожлантириш концепциялари асосида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари бажарилишини таъминлаш мақсадида уч йиллик муддатга шакллантирилиб, бунда инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш муддатлари ҳамда молиялаштириш манбалари ҳисобга олинди, уларнинг асосий кўрсаткичлари ҳар йили аниқлаштириб ва янгилаб борилади. Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш манбалари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади»;

5) **21-модданинг биринчи қисмида**ги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12,

452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда) **282-моддаси иккинчи қисмининг 18-бандида**ги «Инвестиция дастурига» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси**га (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **23-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисида**ги «Давлат инвестиция дастурида» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **49-модданинг иккинчи хатбошисида**ги «Давлат инвестиция дастурига» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **152-модда бешинчи қисмининг иккинчи хатбошисида**ги «давлат инвестиция дастурларини» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **154-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида**ги «давлат инвестиция дастурини» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **177-модданинг бешинчи хатбошисида**ги «давлат инвестиция дастурларини» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 майда қабул қилинган «**Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-386-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 5, 179-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модда:**

бешинчи қисми «бир йил муддатга тузилади» деган сўзлардан кейин «бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

куйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Йўловчилари ва уларнинг мол-мулкни автомобилда ташишини амалга оширувчи ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси уч ойдан бир йилгача бўлган муддатга тузилиши мумкин»;

олтинчи ва еттинчи қисмлари тегishинча **еттинчи ва саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **8-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси (бундан бунён матнда суғурта полиси деб юритилади) тегishiли бланкада ва ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига киритилган транспорт воситаларининг

сонига тенг нусхаларда расмийлаштирилади. Суғурта полиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат бўлиб, ҳисобга олиш сериясига, рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлиши керак.

Суғурта полисида куйидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

суғурталовчи тўғрисидаги; ташувчининг номи ва жойлашган ери (почта манзили) ҳақидаги;

суғурталовчининг, унинг барча филиалларининг номи, жойлашган ери (почта манзили), улар билан алоқа боғлаш воситалари ҳамда уларнинг иш вакти тўғрисидаги; ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш даври ҳақидаги;

суғурта мукофоти тўғрисидаги;

суғурта пули ҳақидаги;

ташувчининг транспорт воситаси (вагонлари) (тури, маркаси, модели, рақамли (танитувчи) белгиси, ишлаб чиқарувчи завод паспорти бўйича йўловчи сифими) тўғрисидаги;

ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг бошқа муҳим шартлари ҳақидаги»;

3) **16-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«ташиш кунида амалда бўлган суғурта полисининг нуҳасини ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасига киритилган барча транспорт воситаларига ва (ёки) ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштириши».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ-400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси**га (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **32-модданинг учинчи қисми** «Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимида» деган сўзлардан кейин «ёки вақтинча олиб кириш божхона режимида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **64-модда тўртинчи қисмининг тўққизинчи хатбошисида**ги «инвестиция дастурига» деган сўзлар «ривожланиш давлат дастурларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **245-модда: биринчи қисмининг: тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин; **бешинчи хатбошиси тўртинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси «контрактлар бўйича муддати ўтган дебиторлик қарзи узилгунига қадар рад этишга» деган сўзлардан кейин «бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **260-модданинг «г» кичик банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«г) товарнинг кузатув ҳужжатларидан фойдаланилган ҳолда:

Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб бориломқда. Яқинда Президентимиз томонидан имзоланган “Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун ҳам соҳада олиб борилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Қонун ижодкорлиги самарадорлигини оширишда яна бир муҳим қадам

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунга ҳам ўзгартишлар киритилди. Бу, албатта, парламент қўйи палатаси ва унинг қўмиталарида қонун ташаббуси субъектларидан келиб тушган қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш амалиётини янада такомиллаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Хўш, ушбу Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга нима зарурат бўлди?

Амалдаги ҳужжатга мувофиқ, Қонунчилик палатаси қўмиталарида қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида барча сиёсий партиялар фракциялари, депутатлик гуруҳлари ҳамда депутатларнинг фикр ва тақлифлари инобатга олиниб, кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг мажлисида модда-ма-модда муҳокамадан ўтказилар ва ҳар бир моддага алоҳида овоз берилар эди. Бунда қонун лойиҳасининг моддалари бўйича яқдил фикр шаклланган бўлишига қарамасдан, Регламентда назарда тутилмагани сабабли бобма-боб ёки бўлимлар бўйича овоз бериш имкони-яти мавжуд эмас эди. Нати-

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

лойиҳаларини кўриб чиқишнинг аниқ тартиби қонунчи-ликда белгиланмаганди.

Юқоридаги муаммоларга ечим топиш мақсадида хорижий давлатлар тажрибаси ҳам таҳлилий ўрганилди. Хусусан, Франция, Канада, Португалия, Жанубий Корея, Туркия парламентлари регламентла-рида қонун лойиҳасини ик-кинчи ўқишда нафақат мод-дама-модда, балки бобма-боб ёки бўлимлар бўйича кўриб чиқилиши, бунда депу-татлар қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилганлиги даража-сига қараб овоз бериш шак-лини ўзлари танлаши белги-ланган. Мазкур мамлакатлар-да қонун лойиҳаларини қўми-таларда кўриб чиқиш тарти-би аниқ белгиланган бўлиб,

унга қўра, қонун лойиҳалари қўмита мажлисларида модда-

юридик шахслар учун ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар учун қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваригача бўлган товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда, бундан товарлар ташқи савдо контрактлари (шартномалари, келишувлари) бўйича мажбуриятларни бажариш доирасида олиб ўтилаётган ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳоллар мустасно;

хориждаги кўргазма ва ярмаркаларда намоийш этиш учун мўлжалланган, ушбу товарларни декларациялаш кунида расмий айирбошлашнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича беш минг АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги товарларни олиб чиқишда, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

қиймати расмий айирбошлашнинг ушбу товарларни декларациялаш кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича бир минг АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги товарларни умумжаҳон Интернет тармоғида онлайн дўконлари орқали экспорт қилиш чоғида амалга оширилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ-461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова) **27-моддасининг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банкротлик тўғрисидаги ишлар жумласига юридик шахсларни ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва қонунда белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркор мақомини олган фуқароларни, шунингдек пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган, якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсларни, агар пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиққан бўлса, банкрот деб топиш тўғрисидаги ишлар қиради».

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ушбу Қонуннинг 5-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЁВ
Тошкент шохри, 2018 йил 26 июль № ЎРҚ—488	

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ҳар бир бола манфаати — ҳимояда

Муслима ота-онасидан эрта ажралди. Меҳрибонлик уйида тарбия топди. Мактабда, кейинчалик лицейда ўқиди. Билим олди, ўрганди. Ҳаммаси у 18 ёшга тўлиб, Меҳрибонлик уйини тарк этганидан кейин бошланди. Қўлидаги диплом билан яхши ишга жойлаша олмади. Уй-жойининг тайини бўлмади. Шаҳар ҳокимиятига уй сўраб қилган мурожаатларига жиддий эътибор берилмади. Топган пулига рўзгор қилсинми, ижарага тўласинми, охири жиноятга қўл урди.

2016 - 2017 йиллар да-вомида Тошкент шаҳрида Муслимага ўхшаб уй-жойга муҳтож бўлган 118 нафар етим боланинг аризаси рўйхатга олинган. Улардан 50 таси бу-гунги кунга қадар ҳал қилин-маган. Бу рақамлар Олий Маж-лис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масала-лар қўмитаси томонидан «Иж-тимоий ҳимояга муҳтож бола-ларнинг ҳуқуқий кафолатлари: амалиёт, муаммо ва истиқбол-даги режалар» мавзуидаги давра суҳбатига келтириб ўтилди. Ташкидланганидек, ай-рим ҳудудларда ота-она қаро-висиз қолган ҳамда етим бо-лаларга ажратилаётган уйлар-нинг аҳоли яхши эмас, ком-мунал тизими носоз, яшаш шароитлари яратилмаган. Ижарага берилаётган уйлар-дан эса шартнома муддати туғаши билан чиқариб юбо-риляпти, умкин хусусийлаш-тириш мулкни эмаслиги ижтимоий ҳимоядаги болалар олдига бир қатор муаммолар-ни кўймоқда.

— Бугунги кунда мамлака-тимизда 85 та махус мактаб-интернати ва 22 та Меҳрибон-лик уйида 20 минг нафардан ортиқ болалар тарбияланмок-да, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депута-ти, Меҳнат ва ижтимоий ма-салалар қўмитаси раиси ўрин-босари Шухрат Турсунбоев. — Демак, ҳар йили Меҳрибонлик уйларининг юзлаб тарбияла-нувчилари катта ҳаётга кириб

Мунисхон КАРИМОВА.

Муҳокамалар чоғида **Тадбиркорлар ва ишбилмонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракци-яси** аъзолари ногиронлиги бўлган шахс-лар давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётганини таъкид-лаш билан бирга, масаланинг бошқа жи-ҳатларига ҳам эътибор қаратдилар. Хусу-сан, мазкур лойиҳани қабул қилишдан ав-вал жамиятимизнинг бунга тайёрлиги ҳамда шарт-шароитларни ҳам ҳисобга олиш мақ-садга мувофиқлигини қайд этдилар. Айни пайтда бу қонун лойиҳаси қабул қилинса, тадбиркорлар, айниқса, бугунги кунда кўпчи-ликни ташкил этадиган кичик бизнес субъект-лари ҳамда йирмик бўлмаган ижтимоий ин-фратузилма объектлари эгалари учун қатор муаммолар келиб чиқиши мумкин. Ҳозирги кунда айрим давлат идоралари ҳамда тад-биркорлик субъектлари кўп қаватли уйлар-да, баланд қаватларда жойлашган. Фрак-ция аъзоларининг фикрича, дейлик, мос-лаштирилмаган, илгаридан лойиҳалаштириб бўлинган бундай бино ва иншоотларда фаолият юритиб келаётган тадбиркорлик субъектлари учун ногиронлиги бўлган шахс-ларга тўқинликсиз фойдаланишда барча имкониятни яратиб беришнинг имкони ма-вжуд эмаслигини ҳисобга олиш лозим. Фрак-ция аъзолари қонун лойиҳасида мамлака-тимиз иқтисодиётининг таянчларидан ҳисоб-ланган тадбиркорлик субъектларининг ман-фаатлари ҳам, албатта, инобатга олиниши лозимлигини билдирдилар. Шунингдек, қонуннинг амалдаги нормаларини қолдириш мақсадга мувофиқ эканини таъкидладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партия-си фракцияси аъзолари эса мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизнинг инсонпарвар-лик сийёсатига ҳамоҳанг тарзда ногиронли-ги бўлган шахслар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этишини айтидилар. Бирок ҳозирги кунда ногиронли-ги бўлган шахсларнинг ижтимоий инфра-тузилма объектларидан фойдаланишдаги муаммолар тўғайли электротар вакиллари барча фуқаролар каби тенг имкониятга эга эмаслигига эътибор қаратдилар. Шунинг-дек, қонун лойиҳасидан қўзланган асосий мақсад жарима миқдорини кўпайтириш эмас, балки ногиронлиги бўлган шахслар-нинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда тенг ша-роитларни таъминлаш, ижтимоий инфра-тузилма объектларидан тўқинликсиз, эркин фойдаланиш имконини яратишга қаратил-

АКАДЕМИК
МАҲКАМОВ РУФАТ
ҒУЛОМОВИЧ



Ўзбекистон илм-фани огир жудолikka учради. Машинасозлик соҳасидаги таниқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Руфат Ғуломович Маҳкамов 2018 йил 26 июлда 88 ёшида вафот этди.

Р. Маҳкамов 1954 йили Н. Бауман номидаги Москва олий техника билим юртини тугатиб, 1957 — 1960 йилларда мазкур билим юрти аспирантурасида таҳсил олди. 1961 йилда номзодлик, 1978 йилда докторлик диссертацияларини химоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Р. Маҳкамов ўз меҳнат фаолиятини 1954 йили собиқ иттифок Машина қурилиш технологияси илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходим сифатида бошлади. Истеъдодли олим қарийб 64 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Фанлар академияси Президиуми Техника фанлари бўлими илмий қотиби, Геология институти кат-

та илмий ходими, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти доценти, кафедра мудир, профессори каби ла-возимларда халқимиз ва Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилиб, мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, машина-созлик соҳасида юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматкаш олимнинг илмий ишланма ва тадқиқотлари мамлакатимиз машинасозлиги соҳасида кенг қўлланиб келмоқда ва иқтисодиётимиз тармоқлари ривожига муҳим аҳамиятга эга.

Р. Маҳкамовнинг техника соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган 200 дан зиёд илмий мақолалари, китоб ва монографиялари юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассисларига яхши маълум.

Жонқуяр устоз сифатида қўллаб ёшларга сабоқ берган илм-фан фидойисининг бевосита раҳбарлигида бир қатор фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик Р. Маҳкамовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” унвони билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Руфат Маҳкамовнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

Фестиваль

«Chilla Fest — 2018»

ёркин хотиралар ва кўтаринки кайфият улашади

29 июлдан Тошкент шаҳар ҳокимияти кенг қўламдаги фестиваллар кетма-кетлигини бошлайди. Уни биринчи бўлиб, “Chilla Fest — 2018” фестивали очиб беради.

Фестиваль турли ёшдаги кишиларга мўлжалланган дастурларни қамраб олган. Унутилмас хотиралар улашади-кан ушбу байрам шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг дам олиш кунини кўтаринки руҳда, дўстлик ва самимият муҳитида, пойтахтимизга сайёҳларни жалб этган ҳолда ўтказишга хизмат қилади.

Тадбирлар мусасфо омон остида “Локомотив”, “Анхор-Локомотив”, “Central

Park”, “Green Park”, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат болгариде бўлиб ўтади.

— Шаҳар аҳолиси бир кунлик юмушларини унутиб, ўзларига яқин ва азиз бўлган инсонлар, оила аъзолари даврасида кувончларини баҳам қиришларини қўзлаб ушбу лойиҳага қўл урдик, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими вазирининг бажарувчи Жаҳонгир Ортиқхўжаев, — Пойтахтимиз тобора обод, гўзал, қулай ва очик шаҳарга айланмоқда. Об-ҳаво муҳити ва истироҳат болгарининг ривожланган инфратузилмаси бу каби тадбирлар учун мос келади.

Дилшод КАРИМОВ.



Миллий кино санъати
ривожланган киноиндустрияга айланади



“Тоҳир ва Зухра”, “Сен етим эмассан”, “Маф-тунингман”, “Маҳаллада дув-дув гап”. Ушбу фильмлар хусусида гап кетса, беихтиёр “ҳақиқий кино-да, булар” деймиз. Аслида ҳам шундай.

Меҳр-оқибат, бағрикенглик, аҳда вафо, садоқат сингари юксак инсоний фазилатларни тараннум этадиган мазкур кинолар вақт ва замон ўтса-да, ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ваҳоланки, улар ҳали кинематография ривожланмаган замонда тасвирга олинган. Шундай бўлса-да, одамлар қалбидан ҳам, олтин фон-димиздан ҳам мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Ҳақли савол туғилади. Нера бугун ана шундай киноасарлар яратилмаяпти? Бунга нима баҳона: шароитми, савиями, малаками?... Кино индустрияси барқ урган давлатларда, жумладан, Францияда бир йилда ўртача 500 та, Америка Қўшма Штатларида 700 та, Россияда 150 та тўла метражли кинофильм ишлаб чиқарила экан. Лекин уларнинг 10 — 15 фоизигина киностудияларга даромад келтиради. Қолганлари эса давлат томонидан молиялаштирилиб, халқнинг турмуш тарзи, маданияти, маънавияти, давлатнинг куч-қудратини намойиш қилишга хизмат қилади. Ҳўш, Ўзбекистонда-чи? Юртимизда ҳам узоқ йиллар давомида шунга ҳаракат қилинди. Аммо кино санъатимиз на даромад олиш, на миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш ва на маънавий озуқа беришга яради. Ҳаттоки томошабинларга ҳам тузукроқ киноасар тақдим қилинмади.

Афсуски, йиллар мобайнида тизимда тўпланиб қолган муаммолар сабаб бир пайтлар кино ишлаб чиқаришнинг юраги хисобланган “Ўзбекфильм” киностудиясининг аҳволи ҳам танг эди. Авваллари 30 — 40 тагача юксак савиядаги киноасарлар суратга олинган студияда сўнгги пайтларда атиги 2-3 та савияси ҳаминқадар фильмлар ишланди, холос. Вазият такозоси туфайли ёшлар онгини юксак бадий асарлар билан эмас, аксинча, ясама киночиларнинг маиший мавзудаги фильмлари билан шакллантириб келдик.

Кинопрокат тизимининг йўлга қўйилмагани, худудлардаги кинотеатрларнинг абгор аҳволи, Давлат бюджетидан кино учун ажратилаётган маблағларнинг етарли эмаслиги, киностудияларни солиққа тортиш тизимининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги каби бир қатор муаммолар миллий киноиндустрия ривожига жиддий тўсиқ бўлаётган эди.

— Кинони ривожлантиришда икки омил муҳим ўрин тутди, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов. — Биринчиси, кадрлар

этилади. Бу орқали миллий кино маҳсулотларининг нафақат ўзимизда, балки чет мамлакатларда ҳам профессионал даражада тарғиботи йўлга қўйилади. Қолаверса, фильмлар рекламасига ҳам алоҳида урғу берилдики, бу фильмларимизга инвестиция жалб қилишда қўл келади.

Шунингдек, кино соҳасида фаолият олиб бораётган субъектларга ҳам имтиёз берилляпти. Яъни кино ишлаб чиқариш ва унинг прокати билан шуғулланаётган студиялар, кинотеатрлар 2020 йил

“Ўзбеккино” МА Бадий кенгашининг таркиби ҳам тамомла янги-ча мезонлар асосида шакллантирилади.

— Шу кунга қадар ҳам кенгаш ўз фаолиятини амалга ошириб келлаётган эди, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Бадий кенгаш аъзоси Эркин Аъзам. — Лекин қарор билан унинг ваколатлари, имкониятлари кенгайтирилди. Жумладан, ҳаттоки психологлар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам кенгаш таркибига киритилади. Миллий кинофильмларимиз на-

ва унинг келгусида барқарор ривожини таъминлаш мақсадида “Йўл харитаси” ҳам тасдиқланди. Унда кинематография соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, рақобатдош маҳсулотларни тайёрлаш, киноижодкорларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда кинематография объектларининг моддий-техника базасини яхшилаш масалалари қамраб олинган.

Қарорда кино соҳаси учун кадрлар тайёрлаш ва малакасига алоҳида урғу берилган. Энди қобилятли ёшларимиз 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Бутунроссия кинематография давлат институти қошидаги “Кино ва телевидение” олий курсларига “Ижрочи продюсер” ҳамда “Кинорежиссура ва кинодраматургия” йўналишларида таълим олиш учун юборилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари Бутунроссия кинематография давлат институтида “Ижро этувчи продюсер”, “Драматургия”, “Аудиовизуал санъат режиссураси” йўналишларида ассистент-стажёр сифатида амалиёт ўташади. Бу жараён давомида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида кинодраматург, кинорежиссёр, кинопродюсер ҳамда соҳа учун зарур кадрларни тайёрлаб берадиган махсус факультет, Агентлик қошида эса малака ошириш курслари, пойтахтимизда Бутунроссия кинематография давлат институтининг филиали иш бошлаши мўлжалланган.

Яна бир муҳим янгилик. Қарорга асосан, давлат-хусусий шерикчилиги асосида туризм ва кино соҳасини ўзаро уйғунлиқда ривожлантириш мақсадида сайёҳлик йўналишларига яқин худудларда “Учта шаҳар”, “Халқ дипломатияси шаҳри”, “Этношаҳар” ҳамда “Киношаҳар” мажмуалари барпо этилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Кино соҳасидаги устувор йўналишларни инобатга олган ҳолда, тегишли вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда “Кинематография тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилади.

Афсуски, йиллар мобайнида тизимда тўпланиб қолган муаммолар сабаб бир пайтлар кино ишлаб чиқаришнинг юраги хисобланган «Ўзбекфильм» киностудиясининг аҳволи ҳам танг эди. Авваллари 30 — 40 тагача юксак савиядаги киноасарлар суратга олинган студияда сўнгги пайтларда атиги 2-3 та савияси ҳаминқадар фильмлар ишланди, холос. Вазият такозоси туфайли ёшлар онгини юксак бадий асарлар билан эмас, аксинча, ясама киночиларнинг маиший мавзудаги фильмлари билан шакллантириб келдик.

1 январга қадар барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

Ҳужжатга кўра, миллий фильмлар намойишида аниқ талаблар белгилаб қўйилди. Кинотеатрлар 2019 йил 1 январдан эътиборан ҳар кун камиде 2 та севансда миллий киноларимизни намойиш этади, 2021 йил 1 январдан эса ҳар бир кинотеатр ойлик экран вақтининг 25 фоизини миллий фильмларимизга ажратади. Байрам ҳамда дам олиш кунлари эса бу талаб 40 фоизгача кўтарилади.

“Республика кинопрокат маркази” давлат унитар корхонаси директори Маъруф Мухторовнинг айтишича, берилаётган квотада ҳар қандай миллий фильмлар эмас, енг сараланган ва барча талабга жавоб берадиган киноларимиз намойиш қилинади.

Шунингдек, мазкур ҳужжат билан давлат бююртмаси асосида кино ишлаб чиқаришда студияларнинг барчаси иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Бунинг учун танловда ғолиб чиқилса бас. Ушбу танловни ўтказадиган

мойишини тизимли йўлга қўйиш мақсадида Агентлик таркибида 14 та худудий филиалига эга “Республика кинопрокат маркази” давлат унитар корхонаси ташкил этиладиган бўлди.

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги бош директори Фурқат Зокировнинг маълум қилишича, айни пайтда, “Ўзбекфильм” давлат унитар корхонасида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Павильонлар деярли тайёр. Эндиги вазифа уларни илғор асбоб-ускуналар, технологиялар билан таъминлашдан иборат. Буларнинг барчаси сифатли киноларни суратга олиш имконини беради.

Кино тизимда тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш

Қисқаси, кино санъатимизни миллий қадриятлар ва ўзлгимиздан, бой тарихимиз ва таракқий йўлимиздан оғишмаган ҳолда ривожланган киноиндустрияга айлантириш вақти келди. Президентимизнинг ушбу қарори ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Бош прокуратура хузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

«Шарқ дурдонаси»

Ҳиндистоннинг нуфузли «Times of India» газетасида ана шундай сарлавҳа остида мақола эълон қилинди.

Унинг муаллифи, ҳиндистонлик саёҳатчи-журналист Рой Чаудрининг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг табиати, тарихи ва маданияти бугунги кунда бутун дунё сайёҳлари эътиборини жалб қилмоқда.

ЖАҲОН МАТБУОТИ

Табиат
туҳфалари

“Ўлканинг пурвиқор тоғлари ўзининг гўзаллиги билан сизни ҳайратга солиши, шубҳасиз. Ёзнинг иссиқ куниде денгиз сатҳидан 3300 метр баландликда жойлашган Чимён тоғларига борсангиз, салқинлик ва баҳаволикдан баҳридинлигинг очилади”, деб ёзади журналист.

Ўзбекистон табиати ранг-баранглиги билан ажралиб туради: унинг бир томонида пурвиқор тоғлар бўлса, бошқасида саҳраларни кўрасиз. Қизилқум ва Қорақум чўлларидаги адирлар, туя қарвонлари қатнаган қадимий йўллар — буларнинг барчаси сайёҳларда катта таассурот қолдиради. Қизиқарли томони шундаки, денгизга

чиқиш имконига эга бўлмаса ҳам ўзбек замини Сирдарё ва Амударё каби дарёлари билан машхур. Қадимдан ушбу икки дарё оралиги Мовароуннаҳр номи билан аталган.

Савдо-сотик
масканлари

Ушбу ўлкада ҳақиқий шарқона бозорларни кўришингиз мумкин, дея таъкидлайди муҳбир. Тошкентдаги Чорсу бозори ўтмиш ва замонавийликни муҷассамлаштирган маскандир. Ўзбек замини қадимдан савдо-сотик маркази бўлиб келган. Чўки Буюк Ипак йўлининг қўллаб чорраҳалари айнан шу ерда кесилган.

“Мазали мева ва сабзавотлар, зираворлар, қўйингки, йўқ нарсанинг ўзи йўқ бу бозорларда. Ҳунар-

мандлар ясаган буюмларни кўрсангиз, ўзбек халқининг қўлиғуллигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз”.

Агар Самарқандга борсангиз, Сийё бозорини кўрмасдан қайтманг, дея тавсия қилади Рой Чаудри. Жаҳонга машхур Самарқанд нонини татиғандин кейин эса ўзингизни қайтадан туйилгандек ҳис қиласиз.

Маданият ва санъат
ўчоғи

Ўзбекистон бетақорол маданият ва санъатга эга бўлиб, улар ўлкада истикомат қилиб келаётган турли миллат ва элатларнинг таъсири остида шаклланган. Миллий қуйларга беихтиёр рақсга тушиб кетишингиз ҳеч гап эмас. Куй-қўшиқлар инсонни ажиб бир ҳаяжонга солади.

“Times of India” наشري вакилининг фикрича, Ўзбекистонни, айниқса, Наврўз каби миллий байрамлар нишонланаётган кунларда келиб кўриш керак. Айнан шу даврда мамлакатнинг маданият ва тарихий қиёфаси тўлалигича намойён бўлади.



“Бойсунга боринг. Бойсунга боринг”, дея тақоролар экан, муаллиф ёзади: бу ерда бетақорол табият, қадимий урф-одатлар, ЮНЕСКО томонидан муҳофаза қилинадиган обидаларни кўрасиз. Бойсундаги тадбирлар ва фестиваллар ўзининг ранг-баранглиги билан сизни ҳайратда қолдиради.

Янги дунёни кўришни
истайсизми?

Бунинг учун журналист Ўзбекистонга таширф буюришни маслаҳат беради. “Ушбу кўҳна ва доимо навқирон замин сизнинг фикрларингиз, дунёқарашингизни ўзгаририб юборишга қодир”.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳайъатининг жорий йил биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Қонун устуворлиги
— бош мақсад

Видеоселектор шаклида ўтган мажлисда прокуратура органлари томонидан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни муостаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамяият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш борасидаги ишлар мукоама қилинди.

Бугунги кунда прокуратура органлари жамяиятда “қонунийликни таъминлаш” тамойилини жамяиятнинг барча бўғинида татбиқ этиш пайидан бўлмоқда.

Бош прокуратура хузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази маълумотларига кўра, ҳисобот даврида қўрилган чоралар, жумладан, давлат идоралари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиши туфайли 4962 та прокурор назорат ҳужжатлари қўлланилди,

63142 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланди, судларга 53,2 млрд. сўм моддий зарарни ундириш ҳақида 5906 та ариза киритилди, 5156 нафар шахс огоҳлантирилди, 27741 нафар одам эса интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортирди.

Мажлисда жиноятчиликнинг оқибати билан эмас, балки унинг келиб чиқиш сабаби билан қурашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, жиноят ишсизлиқдан, йўқчиликдан, оилавий муаммолардан, ҳуқуқий билимсизликдан ва бошқа сабаблар орқали келиб чиқмоқда. Прокурор ана шу ижтимоий ҳамда маиший муаммолар боис келиб чиққан, алаолоқибат қонунни бузган одаминг жазолаб юрaversa, жиноятчилик камайиши дарғумон. Демак, ягона йўл — чорани сабабдан қидириш, яъни ўша жиноятга етаклаши мумкин бўлган муаммони бартараф этишдир.

11827 та тадбиркорнинг фаолияти тикланди.

Олиб бориладиган тежкор-тергов фаолияти натижа-сида ўтган ярим йил мобайнида умумий жиноятчилик 38,7 фоиз, номусга тегиш 62,7, талончилик 58,8, босқинчилик 58,6, безорилик 50,1, товламачилик 45,5, ўғирлик 44,4, фирибгарлик 39,2, қасддан баданга оғир шикаст етказиш 17,7 ҳамда қотиллик 17,6 фоиз камайишига эришилди. Умумий ҳисобда эса 4270 та оғир ва ўта оғир жиноят фoш этилди, қидирувдаги 2295 нафар шахс ушланди.

Олти ойлик фаолият давомида суствашиликка йўл қўйганлиги учун прокуратура органлари ходимларидан 43 нафарига интизомий чора қўрилиб, 164 нафари огоҳлантирилди.

Яқунда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вази-фарлар, истиқболдаги режалар аниқ белгилаб олинди.

Р. ОТАМУРОВОД.

Абай Қўнонбоев қозоқ халқининггина эмас, бутун инсониятнинг фалсафий фикрлари тараққиётига катта ҳисса қўшган, адабий тафаккурни нурлантирган, мавжуд ҳаётни санъаткорона бадиий акс эттирган улкан мутафаккирдир. У асарларида замондошларини адолатли жамиятнинг, бахтли турмушнинг асослари нимадалигини англаб етишга, содир бўлган воқеа-ҳодисаларнинг туб моҳиятини тушуниб олишга чақирди, одамларни тафаккур қилишга, ўзини англашга йўналтирди. Ўз элининг тинч, осойишта ҳаёт кечиришини, билимли бўлишини, маданиятнинг юксалишини орзу қилган улуг шоир авлодларга теран ҳикматлар ва гўзал туйғулар билан тўлиб-тошган ажойиб шеърлар хазинасини мерос қолдирди.

Шоир шеърларининг даврлар ўтиб, замонлар алмашса-да, ўз аҳамиятини йўқотмай, аксинча, қадр-қимматини тобора орттириб бориши улардаги панд-насихатнинг юракларга малҳам бўлиб сингишидир, кўнгилларни илҳомлантириб, қанот бахш этишидир, кишиларни ҳаяжонга солишидир. Шунинг учун қозоқ халқи Абай асарларини севиб мутлола қилади, ундан куч олади.

Абай улкан реалист ёзувчидир. У асарларида ўз даврининг ҳамма томонларини бутун қарама-қаршиликлари билан кўрсатиб бера олди. Даврнинг тарихий, ижтимоий-сиёсий масалаларини кўра билиш билан бирга, айрим майда деталларигача сезиб, уларни ўз иходида акс эттирди.

Абайнинг ижодий мероси 180 га яқин шеърлар, 3 та поэма, 60 дан ортиқ таржималар ва бир неча прозаик асарлардан иборат.

Шоирнинг лирикаси жанр нуктаи назаридан қараганда ҳам серқиррадир. У қозоқ поэзиясидаги тил санъатига, сўз қўлланишига янги сифат бахш этган. “Ёшлиқдан билим излаб югурмадим”, “Қаридик, ғамга ботдик, уйку сергак”, “Қозоғим, шўрлик юртим, вайрон юртим”, “Бозорга қараб турсам ҳар ким борар”, “Ёз кетди, қишнинг боши, дала беҳой”, “Мен ўланни ёзмайман эрмак учун”, “Сўлулар сараси”, “Ёшлик ўтди, билдингми?”, “Юрагим менинг қирқ ямак” каби шеърларининг ҳар бири ўзига ҳослиги, адабий ҳаётдаги янглиги билан ажралиб туради.

Абай ўз иходида меҳнат мавзусига катта аҳамият қаратган. У илм олиш, ҳунар ўрганиш, яхши яшаш — ҳамма-ҳаммаси меҳнат

қилиш орқалигина вужудга келади, деб таъкидлайди.

Шоир ёшларга ўқиш, ҳунар ўрганиш ва илм олиш лозимлигини ўқиради. Ёшлик чопларининг бекорга ўтказмай тезроқ илм ол, ҳунар ўрганиб қол, деб таъкидлайди. Ўзи эса ёшлигида яхши билим ололмагандан ўқинади. Буни у “Ёшлиқдан билим излаб югурмадим” номли шеърда қуйидагича баён қилади:

Ёшлиқдан билим излаб югурмадим,
Хайрин билдим, бироқ юз ўғирмадим.
Улгайганда қарасам, қўлим қуруқ,
Кечикиб қўл чўзимду, улгурмадим.

Абай ёшларга юксак билимга осонликча эришиб бўлмаслигини, бунинг учун кунт ва шижоат кераклигини айтади. У “Илм топмай мактанма” шеърда инсоннинг энг қимматли даври бўлган ёшлик чоғида билим олиши даркорлигини таъкидлаб, “Дунё ҳам, мол ҳам ўзи, Илмга кўнгил берсангиз”, деб ҳулоса чиқаради.

Абай шеърларидаги яна бир муҳим мавзу, бу — одамлар ўртасидаги дўстлиқни, меҳробатини улуғлаш. Унинг бир қанча шеърларида кишиларни сидқидилдан бир-бирлари

билан дўст-қадрон бўлишга чақирганини яққол кўрамиз. Масалан, “Йигитлар, ўйин арзон, кулги қиммат” шеърда:

Шу ажойиб кўнларингги тотув ўтказ,
Етишмаса бирингники, биринг өтказ.
Беғараз ва иноқ бўлгин чин кўнгилдан,
Хиёнатли бўлишгини дилдан кетказ,
каби латиф ва сермазмун мисраларга дуч келамиз.

Абайнинг фалсафий, бадиий, ижтимоий, инсонпарварлик ва динга бўлган қарашлари яққол намоён бўлган асари — унинг “Насиҳатлар”идир. 1890 — 1898 йиллар оралигида

ЭХТИРОМ

ЭЗГУЛИКНИ ТАРАННУМ
ЭТГАН УЛУҒ ИЖОДКОР

ёзилган мазкур асар қирқ бешта кичик макрола, суҳбат ва ибратли сўзлардан ташкил топган. Адиб ўзининг ушбу “оқ қоғозга туширган”ларида, асосан, ўқиш, илм-ҳунар ўрганиш, жамиятдаги ҳулқ ва ахлоқ, меҳнатсеварлик, ҳалол яшаш ҳамда бошқа ижтимоий масалаларни кўтарди, ҳаёт ва табиат ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларини, юрагидаги армонларини, ичини тирнаётган дардларини баён қилади. Шу орқали халқини маърифатли бўлишга, Ватанини севишга, унинг ҳимояси ва озодлиги учун курашишга даъват этади.

Бугунги кунда маърифатпарвар шоирнинг орзу-умидлари ушадди. Қозоқ эли мустақиллиқни қўлга киришти, ўз миллий бўйликлари ва меҳнатининг самараларини қўриб, эркин ҳамда фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Қозоғистонда бир неча шаҳар ва туманга, овулар, қўрғонлар, кўчалар ҳамда истироҳат боғларига, театр ва кинотеатрларга, маданият уйларию кутубхоналарга, бир неча олий ўқув юртилари, коллежлар ва мактабларга Абай номи берилган. Абай номиди тоғ чўққиси ҳамда музлик бор. Республика Абай жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Шоирнинг туғи-

либ ўсган Жидебай овули, Абай тумани ва Семей шаҳрида адабий-мемориал музейлари ишлаб турибди. У ҳақда қўлаб кинофильмлар ишланган, бадиий асарлар ёзилган, илмий тадқиқотлар қилинган. Хусусан, “Абай-шунослик” номи илмий тадқиқотлар тўплами, “Абай тилининг луғати”, “Абай энциклопедияси” чоп қилинган. Ҳар ойда “Абай” адабий-бадиий журнали нашр этилади.

Мамлакатимизда ҳам қозоқ халқининг буюк шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоевнинг адабий ижоди юксак баҳоланиб, асарлари ўзбек тилида нашр этилган, унга муносиб иззат-икром кўрсатилиб, Тошкент шаҳрида маҳобатли хайкали ўрнатилган, йирик кўчалардан бирига унинг номи берилган. Шунингдек, республикаимизнинг қозоқ миллатига мансуб аҳоли яшайдиган ҳудудларида унинг номида кўрғонлар, қишлоқлар, кўча ва маданият уйлари бор.

Президентимизнинг шу йил 13 мартдаги “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори улуг оқиннинг ижодини халқимизга янада яқинлаштиришга қўшган ҳисса қўшмоқда. Шу билан бирга, ушбу ҳужжат қардош ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлиқнинг янада ривожланиб бораётганининг, нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маданий алоқаларнинг тобора ўсиб, тараққий этаётганининг ёрқин ифодаси бўлди.

Қарорга мувофиқ, юртимизда Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилишга қаратилган турли тadbирлар ўтказилади. Зеро, ижодкор асарларда кенг тараннум этилган юксак ғоялар фақат қозоқ халқининг келажаги учун эмас, балки бутун башариётнинг ҳаёти ва маънавий эҳтиёжи учун муносиб йўл-йўриқдир. Шу боис унинг адабий мероси жаҳон сўз санъатининг асл дурдоналарига, инсоният тафаккури хазинасига айланган. Унинг қўшиқ бўлиб янграган ажойиб шеърлари, ҳикмат бўлиб дилларга сингган насрий асарлари дунёнинг қўлаб тилларига таржима қилинаётганининг сабаби ҳам шунда.

Абдулла РУСТАМОВ,
абайшунос.

ҲАМКОРЛИК

Тожикистон Республикаси билан ўзаро алоқалар яхшиланиб, иқтисодий-ижтимоий, савдо-саноат ҳамда маданий-адабий соҳалардаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Давлат чегараларининг очилиши азалдан қардош, қуда-анда бўлиб яшаб келган халқларни янада иноқлаштириб, қалбларга чексиз қувонч бағишляпти.

Бир дарёдан сув ичган
икки халқ маданияти,
урф-одати ва адабиёти
муштарак

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасида тожикистонлик ижодкор-зиёлилар билан ўтказилган учрашувда бу алоҳида таъкидланди.

Тадбирда юртимиз олимлари, шоир ва ёзувчилари, шунингдек, қўшни мамлакатдан ташриф буюрган Тожикистон халқ ёзувчиси Абдужаббор Абдуғафоров, таникли ижодкор Карас Сафаров қатнашди.

— Тарихдан Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ўртасидаги ўзаро дўстлик, устоз-шоғирдлик алоқаларини яхши биламиз, — дейди А. Абдуғафоров. — Асрлар оша ўтиб келган бундай самимий муносабатлар кейинги вақтларда бир оз хира

тортгандек бўлаётган эди. Давлатингиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва жасорати боис дўстлик, қардошлик алоқалари яна жонланди. Бугун икки халқ бир-бирга интилиб, яратилган шарт-шароитлардан шодланиб, гурурланиб яшамокда. Ёзувчию шоирлар ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Биз ютуқ ва камчиликларимизни биргаликда муҳокама қилмоқдамиз, истиқболдаги йўлимизни баҳамжиҳат белгилаб оляммиз. Мазкур тадбир ҳам бу борадаги ишларнинг амалий тасдиғидир.

Учрашув доирасида “Жаҳон адабиёти” журналининг тожикистонлик ёзувчи ва адиблар асарлари чоп этилган янги сонни тақдими ҳам ўтқилибди.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

АБИТУРИЕНТ — 2018

Очиқлик, ошкоралик
ва шаффофлик
таъминланди

“Ўзэкспомарказ”да Инҳа университетига кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди.

Имтиҳоннинг адолатлилигини таъминлаш мақсадида барча жараёнлар университетнинг махсус live.inha.uz ҳамда “facebook” ижтимоий тармоғидаги расмий саҳифаси орқали жамоатчиликка онлайн режимда намойиш қилиб борилди. Ўзтиборли жиҳати, махсус саҳифа TAS-IX ҳудудида жойлашган бўлиб, у видео оқимини юклаб олишнинг юқори тезлигини таъминлайди.

Бу йилги саралаш босқичида 1300 нафарга яқин абитуриентлар рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 1219 нафари кириш имтиҳонларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Йигит-қизларнинг 883 нафари “Компьютер ва дастурий инжиниринг” йўналиши бўйича ўқшни истаган бўлса, 336 нафари “Логистика” йўналиши бўйича таълим олишга хоҳиш билдирди.

— Ҳозирги кунда дунё меҳнат бозорига IT соҳасига талаб юқори бўлгани боис коллежни тамомлаб, шу йўна-

лишда ўқшни ихтиёр этдим, — дейди буюролик Элмурод Очилов. — Бу борада университетнинг қабул жараёнида махсус тизим орқали абитуриентларнинг барча ҳужжатлари онлайн режимда қабул қилингани биз учун айни мудоао бўлди. Мазкур тизим ҳужжатларимизни Тошкентга бормасдан тақдим этиш имконини берди. Имтиҳон давомида павильонда ўрнатилган кузатув камералари очиқлик ва ошкоралик, шаффофлиқни таъминлаб, рақобат муҳитининг соғломлашувига, таълим муассасасига билимли ёшларнинг қабул қилинишига замин яратди.

Таъкидлаш жоизки, 2018/2019 ўқув йилида университетга 420 нафар талаба қабул қилиш режалаштирилган.

Тест синовларининг якуний натижалари жорий йилнинг 6 август куни эълон қилинади.

Муҳаммаджон
АХМАДЖОНОВ.



Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, муқим иш ўринлари яратиш, уларни қийнаб келаётган баъзи муаммоларни жойида ижобий ҳал этиш, туризмни ривожлантириш бўйича аниқ саъй-ҳаракатлар бошланди.

Айтиш жоизки, ўтган қисқа фурсатда ҳудуд аҳолиси учун “Ёрдон” тез тиббий ёрдам шохобчаси ва Шоҳимардондаги 64-қишлоқ оилавий поликлиникаси қошида туну кун ишлайдиган ижтимоий дорихона ташкил этилди. Тиббий хизмат маданияти, патронаж ҳамширалари фаолиятини яхшилаш учун кераклик шарт-шароитлар яратилди. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси томонидан Фарғона тумани давлат хизматлари марказининг Ёрдон ва Шоҳимардон шохобчалари ташкил этилди. Марказ мутахассислари иштирокида сайёр

қабуллар уюштирилиб, “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” таъмоили асосида сифатли ва тезкор давлат хизматлари кўрсатиляпти. Вилоят ички ишлар, адлия бошқармалари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлимлари мутахассислари томонидан фуқаролик паспорти олиш, никоҳ қайдномаси, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олиш каби муносабатларни жойида ҳал этиш чоралари кўрилди.

Ўзма-ўз мулоқотларда вилоят бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси, “Ибратли бека” ўқув маркази, “Моҳигул” хусусий чеварчилик корхонаси раҳбарлари томонидан Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоғи аҳолиси, ёшлар ва уй бекаларини бепул ўқув курслари орқали касбга йўналтириш, малака ошираётган пайтда уларга стипендиялар тайинлаш бўйича имтиёзлар яратилди. Хонадонлар учун 1416 та газ баллонни тарқатилди.

— Бугунги кунда ҳудудимиздаги 857 та хонадонда 3352 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди “Шоҳимардон” МФЙ раиси Рустамжон Тожибоев. — Энг аввало, маҳалламиздаги кам таъминланган 41 оила,

умуман, ҳар бир хонадоннинг яшаш шароити, тирикчилик манбаи, фарзандларининг таълим-тарбияси, иш ўрнига эга эканлиги жиҳдидй ўрганилди. Шу асосда ишга жойлаштириш, ўқув курсларига йўналтириш, тadbиркорлик фаолиятига кўмаклашиш бўйича ҳар бир оила кесимида иш олиб бориляпти. Бундай эътибор ва рағбатдан халқимиз жуда ҳам миннатдор.

“Ёрдон” МФЙ раиси Абдусалом Холматовнинг эътирофи айтишча, айни пайтда ҳудуддаги 565 та хонадонда 2885 нафар аҳоли умргузаронлик қилади. Бугун вилоятдаги барча давлат идора ва ташкилотлари мутасаддилари Ёрдонга ташриф буюриб, ҳар бир оиллага кириб бораётгани ва муаммоларни жойида ҳал этаётгани каттаю кичикнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, яратувчилик, бунёдкорлик ишларига руҳлантирмоқда.

— Аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида туман “Томорқа хизмати” МЧЖ томонидан мевали дарахтлар кўчати, сабзавот экинлари уруғи етказиб берилди, — дейди Фарғона тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Азизбек Рўзमतов. — Бундан ташқари, деҳқончилик юмушларидан бўш вақтида аҳоли-

ни иш ҳақи тўланадиган бошқа мавсумий ишларга жалб этиш чоратadbирлари ҳам кўриляпти.

Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқларида вилоят корхона ҳамда ташкилотларининг 100 га яқин дам олиш масканлари фаолият юритмоқда. Шоҳимардон пульмонология шифохонасида йил давомида нафас йўллари касалликлари бўйича минглаб фуқаролар даволанади. Қолаверса, бу қишлоқларда бир неча зиёратгоҳлар ҳам мавжуд.

Бугунги кунда “Шоҳимардон” брендини тиклаш, бу сўлим масканда экосайёҳлик ва альпинизмни ривожлантириш бўйича аниқ амалий ишларга киришилди. “Farg’ona Vodi Sayyoh” МЧЖ туризм корхонаси томонидан Шоҳимардон ҳамда Ёрдон қишлоқларидаги турли корхона ва ташкилотларга тегишли дам олиш масканларидан сайёҳлик базаси сифатида фойдаланиш йўлга қўйилди.

— Бугунги кунда Шоҳимардонда фаолият кўрсатаётган ягона туризм агентлиги ҳисобланамиз, — дейди мазкур МЧЖ раҳбари Ҳамиджон Абдурахимов. — Жорий йилнинг июль-август ойларида 4000 нафардан зиёд сайёҳларнинг Шоҳимардонда дам олишини ташкиллаштирялмиз. Бундан ташқари, саёҳатчиларни Қирғизистон Республика-

си ҳудудидаги Дугоба ва Кўли Куббон дам олиш масканларига ҳам олиб бориш бўйича Қадамжой туманидаги “Ак-Суу Кен” туризм агентлиги билан шартнома имзолаганмиз.

Айни пайтда корхона ва ташкилотлар тасарруфидидаги мавжуд юздан ортиқ дам олиш масканлари рўйхати шакллантирилиб, уларда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Қаровсиз ҳолга келиб қолган ҳамда фойдаланилмаётган бундай масканлар танлов асосида — инвестиция киритиш ва янги иш ўринлари яратиш шарти билан тadbиркорларга “ноль” харид қийматида берилмоқда.

Шошқин сойлар ва пувиқор тоғлар бағрига кириб келаётган автобуслар, энгил автомобилларнинг тўхтовсиз ҳаракатини кузатар экансиз, Шоҳимардонга файзу барака яна қайтаётганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Зиёратчилар ва сайёҳлар сафи яна кенгаётган бу қишлоқларда мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби улкан ўзгариш ва янгилашлар даври бошланди.

Даровеке, сизни ҳам Шоҳимардонда кутиб қоламиз.

Элёржон ЭҲСОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



12-Марказий Осиё
халқаро кўрғазмаси

**ТЎҚИМАЧИЛИК УСКУНАЛАРИ
ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

2018 йил, 5 — 7 сентябрь

Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ» МКК АЖ.



ONLINE
РЎЙХАТДАН ЎТИНГ

Дастлабки икки кун фақат соҳа мутахассислари таклиф этилади!

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:

**гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ**

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

• 0,4 мм. — 38 000 сўм/п.м. • 0,45 мм. — 42 500 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 65 500 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

• RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м.
• RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: (+ 99890) 996-96-63, (+ 99899) 871-88-99.



Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзьянон (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўёғмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-йй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусахҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Тошпирилди — 23.50 1 2 3 4 5 6